

Қўлдош ПАРДАЕВ

Муқимий шеърияти:  
матн тарихи,  
тахрири ва талқини



УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3(5У)

П 33

Пардаев, Қўлдош

Муқимий шеърляти: матн тарихи, тахрири ва талқини [Матн] / Қ.Пардаев. – Тошкент: Muhtarig nashriyoti, 2019 – 220 б.

ISBN 978-9943-6019-9-4

Монографияда Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий ҳаёти ва адабий мероси қўлёзма ва тошбосма манбалар, архив ҳужжатлари асосида тадқиқ қилинган. Шoir шеърляти қўлёзмалари қиёсий-матний таҳлил этилиб, лирик асарлари матншуносликнинг матн тарихи, тахрири ва талқини сингари назарий масалалари кесимида ўрганилган. Ижодкорнинг катта ҳажмдаги лирик ва ҳажвий асарлари шўролар замонида ғоявий тахрирдан ўтказилиб, аслиятдан йироқлаштирилгани аниқланиб, бирламчи манбалар асосида ишончли матнлари тикланган. Янгича нуқтаи назар, қувватли илмий таҳлил асосида ҳолис илмий хулосалар чиқарилган.

Монография матншунослик ва адабий манбашунослик, ўзбек мумтоз ва миллий уйғонш даври адабиёти билан қизиқувчи олимлар, тадқиқотчилар ва филолог мутахассислар учун мўлжалланган.

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3(5У)

Масъл муҳаррир:

Нурбой Жабборов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Нафас Шодмонов,

филология фанлари доктори, профессор;

Исломжон Ёқубов,

филология фанлари доктори, доцент

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2019 йил 30 ноябрь 5-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6019-9-4

© Қ.Пардаев.

© «Muhtarig nashriyoti»,

Тошкент, 2019

## КИРИШ

Мустақиллик даври матншунослигида XIX аср охири – XX аср бошлари Кўкон адабий муҳитида яшаб ижод қилган маърифатпарвар ижодкорлар адабий меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ бу давр адабиётида тадқиқотчиларини кутаётган мавзулар талайгина экани ҳам айни ҳақиқатдир. Бу орқали «...Аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юрти-миздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит та-саввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган». Ана шундай ижодкорлардан бири Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий ҳаёти ва ижодий мероси коммунистик мафкура шароитида ҳолис ва тўлақонли тадқиқ этилмаганидек, мустақиллик даврида ҳам монографик тарзда қайта ўрганилган эмас. Шу боис Муқимий шеърляти қўлёзмаларини қиёсий-матний ўрганиш ва шoir назмий асарларини матншунослик ва адабий манбашунослик эришган бугунги ютуқлар асосида қайта тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Муқимийнинг катта ҳажмдаги лирик ва ҳажвий асарлари турлича талқин этиб келинган. Бу талқинлар аксар ҳолларда матн моҳиятидан узоқ бўлгани, муайян тор қолипларга асосланганини ҳам таъкидлаш мумкин. Шунга кўра, шoir назмий асарлари мисоли-да матн талқини масаласини ўрганишга катта эҳтиёж бор.

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори-ридир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор эиеллари ва-киллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017. 4 август.

Матн тарихи ва таҳрири масаласи дунё ва ўзбек матншунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Ушбу илмий муаммонинг назарий ва амалий масалалари рус матншунослари Д.С.Лихачев<sup>3</sup>, Б.В.Томашевский<sup>4</sup> илмий ишларида, шунингдек, ўзбек олимлари П.Шамсиев, Х.Сулаймон, Ғ.Каримов, Ш.Сирожиддинов, Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов тадқиқотларида ёритилган<sup>5</sup>. Муқимий ижодини ўрганиш

<sup>3</sup> Лихачев Д.С. При участии А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001, стр. 34–35.

<sup>4</sup> Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е. – М., 1959, стр. 148.

<sup>5</sup> Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъан сайер» достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н. дис. – Т., 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д. дис. – Т., 1970; Сулаймон Х. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959. – Б.5–28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. /Ғулум Каримов – маърифат фидойиси. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б.56–63; Сирожиддинов Ш., Жаърова С. Ўзбек матншунослиги хирралари. – Т.: Akademtash, 2015. – Б.7–9; Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Тўхлиев Б., Юсуф Хос Ҳажиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз, 2014; Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2014. – Б.28–32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгилигини таъминлаш» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, Адабиёт ушқуллари, 2016. – Б.99–105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари /«Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари» мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насоф, 2019. – Б.37; Олтин ёруғ 1-китоб (Суъбоши, изохлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага таъдил муаллифи Н.Раҳмонов). – Т.: Фан, 2009, 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2013; Болтабоев Ҳ. Матн ва унинг филологик фанлар тизимидаги ўрни /Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: Мумтоз сўз, 2019; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т., 1997; Алишер Навоий «Хамса»си талқини (XV – XX аср боши). – Т.: Таъабдул, 2018; Матншунослик ва манбаунослик асослари. – Т., 2019; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-икбол» – адабий манба. – Т.: Mubattit, 2009. – Б. 22–26; Зоҳидов Р. «Саботул оҳизин», (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin zayo, 2015. – Б. 184–185.

унинг ҳаётлик чоғидан бошланган бўлса-да, шўир адабий мероси матн тарихи ва таҳрири нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Муқимийшунослик, асосан, шоир асарларини нашр этириш ва оммалаштиришдан бошланган. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети» (1891-1903-1907 йилги сонлари)да шоирнинг лирик ва ҳажвий шеърлари чоп этилган. Санкт-Петербургда нашр этилиб турган «Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества» тўпламининг 1894 йилдаги IX томида Муқимий ҳажвий асарларидан намуналар берилган. Н.Остроумов Муқимий асарларидан саралаб, 1907 йилда «Девони Муқимий»<sup>5</sup>, Муҳаммад Қосим Дода Муҳаммад ўғли Ҳоҷибат маъ Мавлоно Муқимий маъа ҳажвиёт» (1910-1912) икки марта, Абдулқодир Ҳўқандий томонидан «Мавлоно Муқимий маъа мавлоно «Баёз маъа ҳажвиёт мавлоно Муқимий маъа мавлоно Фурқат»<sup>6</sup> номли тўпламларни тошбосма усулида чоп этирган. Ижодкор адабий мероси XX асрнинг 20-йилларидаёқ тадқиқотчилар эътиборини тортгани маълум<sup>7</sup>. Шоир ижодини жиддий ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланди. Бу ишнинг бошида шоир Ғулум турди. Унинг ташаббуси билан 1938 йили «Муқимий баёзи»<sup>8</sup> тузилиб, нашр этилди. Шу пайтгача Муқимий ҳаёти ва ижодий мероси у ёки бу даражада тадқиқ этилган илмий мақолалар,<sup>9</sup>

<sup>5</sup> نوان مقيمى. Из дивана Муқими, Ферганского поэта. Издал Н.Остроумов. Т.: 1907 г.

<sup>6</sup> ЎзФАШИ, инв.№236.

<sup>7</sup> Турғул. Эски шоирларимиздан Муқимий. /Фарғона. – Тошкент, 1923, 17 март.

<sup>8</sup> Муқимий баёзи. (Нашрга тайёрловчи: Ғ.Ғулум). – Т.: ЎзФА нашриёти, 1938.

<sup>9</sup> Ғ.Ғулум. Муқимий мактублари. /Кизил Ўзбекистон – Тошкент, 1941, 8 май; М.Шайхзода Ватан тулзорининг ўтли булбули. /Ўқитувчи. – Тошкент, 1943, 5 май; Ойбек. Муқимий асарларида социал тиллар. /Звезда Востока. – Тошкент, 1947, 7-сон; Шарафиддинов О. Муқимийнинг реакцион адабий оқимларга қарши кураши. /Кизил Ўзбекистон. – Тошкент, 1953, 26 сентябрь; Ёқубов Ҳ. Демократ шоир. //Шарҳ юлдузи. – Тошкент, 1953, 9-сон; Абдуллаев В. Муқимий сатираси. /Ўқитувчи. – Тошкент, 1959,